


“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Учқудук туман йўллардан фойдаланиш
унитар корхонаси бош муҳандиси
Ф.Қаршиев 

« _____ » _____ 2022 йил

М.У

ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ

**2022 йил давомида Учқудук ТЙФУКси объектларида жорий таъмирлаш ишлари
учун машина транспорт хизмати
(танлов предметининг номи)**

УМУМИЙ ҚИСМ

ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ ТАКЛИФИ

Учқудуқ туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси
буюртмачилигида танловда иштирок этишга

(пудратчи номи)

_____ ни таклиф этади ва қуйидаги объект буйича танлов таклифини тақдим этилишини 2022 йил давомида Учқудуқ ТЙФУК объектларида жорий таъмирлаш ишлари учун транспорт хизмати

(объектнинг номи)

Лойиҳани молиялаштириш: _____ маблағи хисобидан амалга оширилади. Танлов ғолибига вилоят (туман) ДСИ нинг қайси солиқ тўловчи турига қараб маблағлар тўланиши кўзда тутилган.

Буюртмачини бошланғич қиймати ҚҚС билан 200 000 000 сўм

ҚҚС сиз _____ - _____ сўм

Буюртмачи белгилаган ишларни тугатиш муддати _____ кун

Танловларда қуйидагилар иштирок этиши мумкин:

Танлов шартларига асосан танловда катнашиш истагини билдирган маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари, корхона ва фирмалар;

Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:
танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;
танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;
ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;
танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

Низом маблағи миқдори.

Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади. (ТАНЛОВЛАР АХБОРОТ ЖАДВАЛИ (ТАЖ) га қаранг).

Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:
қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

Танлов таклифини тайёрлаш ва тақдим этиш учун керакли барча ҳужжатлар «Танлов иштирокчилари учун Йўриқнома»да акс эттирилган.

Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиха хужжатлари, хусусан, лойихани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) такдим этилиши хақида мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

Шунингдек, буюртмачи лойиха хужжатларини, шунингдек график қисмини (чизмаларнинг асли нусхаси ёки электрон варианты)ни танлов иштирокчисига унинг биринчи талаби бўйича беришга мажбур.

Танлов предмети бўйича танлов хужжатларини танлов ташкилотчиси – Учқудук туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонасининг офисидан 2022 йил « 19 » феврал кунидан соат 9-00 дан 17-00 гача олиш мумкин.

Контакт телефони: Тел/факс +998553514001 Учинчи шахслар томонидан танлов хужжатлари пакетини тўлаш таъқиқланади. Танлов хужжатларини сотиб олиш хақидаги мурожаатлар юқоридаги манзилга жўнатилади.

Таклифлар танлов ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда соат 8-30 дан 17-00 гача қабул қилинади.

Танлов ташкилотчисига таклифларни такдим этишнинг сўнгги муддати – оферталарни очиш кун ва вақти қўйидаги манзилда: Учқудук тумани Йўлчилар кўрғони 1 уй

Иштирокчилар томонидан танловга таклифларни такдим этилиши, уларни лойиха хужжатлари, хусусан, лойихани график қисми (чизмалари)ни ўрганиб, моҳиятини тушунганлиги, иш ҳажми, қурилиш маҳсулотлари, конструкцияси, ҳамда лойихада кўрсатилган бошқа шартлар билан танишиб чиққанлигини тасдиқлайди.

Таклифларни очиш хабарнома юборилган санадан (эълон чоп этилган кундан) бошлаб (10) кун муддатдан кўп бўлмаган муддатда бўлиб ўтади.